



форс шеърятдаги мавжуд шеърӣ жанрлар ва шеърӣ шакллар мумтоз шеърят негизидан ўсиб чиққан. Ғазал, маснавий, қасида, рубоӣ шулар жумласидандир.

2. Мумтоз давр шеърятидан ўрин олган шеърӣ жанрлар даврлар ўтиши билан ўзгаришларга учраб, мумтоз шеърят қонун-қоидаларини бироз четлаб ўтиб янги шакл касб этди.

3. Қасида жанри XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларигача давом этди. Бу даврга келиб, қасида жанри ўзининг илгариги етакчиликл мавқеини бироз йўқотди. Янги типдаги насрий жанрларнинг кириб келиши, таржима адабиётининг кучайиши, XX асрнинг ўрталарида янги шеърнинг пайдо бўлиши мумтоз шеърӣ жанрлар таракқиётини бирмунча секинлаштирди.

4. Янги замон ғазаллари баён, шакл ва мазмун янгилиги билан бирга, айни пайтда, мумтоз шеърятга хос сўз ўйини (анаграмма), ҳамхарфлик, ҳамоҳанглик, боғлиқлик ва бошқа намуналарнинг бугунги тилда ишлатилгани билан характерлидир.

5. Анъанавий шеърят асосан диний, замонавий шеърят эса дунёвий муаммоларни ёритиши билан фарқланади.

Эрон шеърятининг асосини ташкил этган турфа жанрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, балки янгича кўринишда адабиёт сахнасида пайдо бўлди. Замонавий форс шеърятда ижод қилган ҳамда қилаётган шоир ҳамда шоирлар турли мавзу, услуб ва йўналишларда ўз ижод намуналарини адабиёт аҳлига намоён қилмоқдалар.



ЖОМӢЙ ҒАЗАЛИЁТИДА АРАБ АЛИФБОСИДАГИ БАЪЗИ ҲАРФЛАРНИНГ МАЪНО ЖИЛОЛАРИ

МАЖИТОВА САБОҲАТ

Ўқитувчи, СамДУ

Аннотация. Ушбу мақолада форс-тоҷик мумтоз адабиётининг йирик вакили Абдурахмон Жомӣй ғазалиёти мисолида араб алифбосидаги айрим ҳарфларнинг поэтик маъно ва образ яратишидаги ўрни ҳақида фикр юритилади. Адабий матнлар таҳлили асосида шоирнинг ҳарфлардан фойдаланишидаги юксак истеъдоди ёритилади.

Таянч сўз ва иборалар: хат, графема, алифбо, араб ҳарфлари, назм тили, маъно ва маъно яратиши, ҳарф санъати, ҳуруфийлик, шакл ва мазмун.

Аннотация. В настоящей статье речь идет о роли букв арабского алфавита в создании поэтического значения и образа в творчестве представителя классической персидско-таджикской литературы Абдурахмана Джами. Освещается мастерство поэта в использовании букв на основе анализа литературных текстов.

Опорные слова и выражения: письменность, графема, алфавит, арабские буквы, язык поэзии, значение и создание значения, ҳуруфизм, форма и смысл.

Abstract: In this article it is discussed the importance of some Arabic letters in the creation of poetic meanings and images on the example of gazelles of Abdurahman Jami, the great representative of Persian-Tajik classical literature. It has been interpreted the high talent of letters used by the poet on the basis of analysis of the literary texts.

Keywords and expressions: letter, grapheme, alphabet, poetry language, meaning, arabic letters meaning, and meaning creation, art of letter hurufism, form and meaning.

Бадий ижод аҳлининг шеърӣ ва насрий асарларида сўз, ибора ва жумлалар каторида товуш, бўғин ва урғу сингари фонетик бирликлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, сўзлар воситасида бирикма ва жумлалар ҳосил қилиниб, фикр ифодаланади, бироқ бу жараёнда фонетик бирликлар бўлмиш товуш, бўғин ва урғунинг аҳамияти қай даражада?

Хар бир товуш битта белги – ҳарф билан ифодаланади ва ҳарфлар воситасида бўғин, сўз ва иборалар ҳосил қилиниб, маъно яратилади. Форс-тожик ғазалнавис шоирлар турли туман маъно ва образлар яратиш жараёнида фикрнинг таъсир кучини ошириш учун араб алифбосидаги ҳарфларнинг рамзий-мажозий маъноларидан ҳам кенг фойдаланишган. Бунда аксар ғазалнавис шоирлар ҳарфларнинг шаклий хусусиятларини инобатга олиб, хосса маънилар ҳосил қилишганки, бу ҳодиса европа тилшунослигида фоносемантика атамаси билан юритилади.

Хар бир тилда алифбо ҳарфлари мажмуи шу тилнинг товушлар тизимини ифодаладиган шартли белгилардан иборатдир. Яъни ҳар бир ёзув шу тилнинг шартли белгилари мажмуи бўлиб, инсон нутқидаги табиий товушлар ифодаси учун кашф этилган. Маълумки, араб алифбоси асосидаги тожик ёзуви минг йилдан ортиқ вақт мобайнида форсийзабон халқлар учун фикрни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилиб, товуш ифодаси (графема) бўлиш баробарида турли мажозий маъноларни ифодалашда, хусусан, абжад ҳисоби асосида муаммо санъати намуналарини яратишда ҳам иштирок этган. Яъни араб ҳарфлари товушларнинг график ифодаси бўлиш билан бирга, форс-тожик мумтоз шоирлари асарларида рақамларнинг ифодаси сифатида ҳам иштирок этадики, бу абжад ҳисоби деб номланади. Абжад ҳисоби деганда араб ҳарфларининг муайян рақамларни ифодалаш тушунилади. Бунда 28 та ҳарф саккиз арабча сўзда жамланган бўлиб, булар:

1	ا ب ج د	1, 2, 3, 4	5	ه و ز	60, 70, 80, 90
2	ح ط ي	5, 6, 7	6	ق ر ش ت	100, 200, 300, 400
3	ك ل م ن	8, 9, 10	7	ث ذ	500, 600, 700
4		20, 30, 40, 50	8	ض ظ غ	800, 900, 1000

Кўриб турганимиздек, рақамлар 1 дан 10 гача биттадан, 10 дан 100 гача ўнтадан, 100 дан 1000 гача юзтадан ошиб боради¹. Форс-тожик адабиёти вакиллари абжад ҳисоби воситасида ўз шеърларида тарих моддасини келтирадилар. Аксар тадқиқотчиларнинг фикрича, санадларнинг тарих моддаси асосида берилиши ниҳоятда фасоҳатли ва диққатга сазовор бўлиб, тарих учун ишлатилган сўз ва иборалар ифодаланган воқелик билан бевосита алоқадор бўлади. Жумладан, Абдурахмон Жомий ўзининг илк девонининг таълифининг тарих моддасини қуйидагича келтирган:

Ба дил гуфтам, к-эй ба сафо гашта самар,
 Ҳастӣ садафе пур аз гуҳар чист хабар?
 Аз гавҳари соли назми ин иқди дураб
 Бар рӯи садаф ниҳод як дона гуҳар.

Агар “садаф” сўзидаги “сод” ҳарфи устига бир дона гуҳар, яъни нукта қўйсақ, “сод” ҳарфи “зод”га айланиб, абжад ҳисобига мувофиқ (зод 800 + дол 4 + фе 80) 884-ҳижрий йилни ифодалайди, бу эса 1479 милодий йилга тенг бўлиб, девоннинг таълифини кўрсатади².

Гувоҳ бўлганимиздек, абжад ҳисобидаги истилоҳларни истифода этиш орқали шоирлар баъзан эътиборли маънолар яратиб, тарих моддасини ифодалаш билан бирга, сўз ва жумлаларнинг бошқа бир маъно қирраларини ҳам кашф этишади. Бундай ҳолат адабий тил тарихида бошқа алифбо ва ёзувлар билан кам кузатилади. Зеро, шунга илова тарзида Хуросонда Фазлуллоҳ Наимий томонидан яратилган тасаввуф тариқатларидан бири “хуруфия” адабиётга кириб келган бўлиб, унинг асосида ҳам араб алифбосидаги ҳарфларнинг рамзий маънолари ётади. Хуруфийларнинг ўзига хослиги араб алифбосидаги ҳарфларнинг илоҳийлиги ва улар воситасида дунё сир-асрорини англаш мумкинлигини кенг тадқиқ ва талқин этишларидадир. “Наимий фикрича, 28 араб ҳамда 32 форс ҳарфлари орқали ишқ моҳиятини очишга эришилади. Мазкур ҳарфлар азалий ва абадийдир. Хуруфийлар борлиқ илоҳий амр “кун” (ярал), яъни “коф” ва “нун” ҳарфлари орқали яралганлигини таъкидлаб, дунё, Оллоҳ, инсонлар ва ҳарфлар бир-биридан айри

¹ Қосимова М.Н. Хат ва имлои матни классикии тоҷик. – Душанбе: Маориф. 1989. – С.129.

² Афсаҳзод А. Ҷомӣ – адиб ва мутафаккир. – Душанбе: Ирфон. 1989. – С.215.

бўлмайди, деган хулосага келганлар”¹. Бинобарин, форс-тожик адабиётида араб ҳарфлари товуш ифодаси бўлиш баробарида бошқа маъно ва воситаларни кўрсатишда ҳам истифода этилган.

Ушбу мақоладан кўзланган асосий мақсад араб ҳарфларини рамз сифатида ишлатиб, уларнинг шаклий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ранг-баранг бадий санъатлар воситасида жонлантириб, маъно яратиш аънанасини кўздан кечиришдир. Бошқа ашёларга киёслаш орқали сўзларнинг янги маъноларини кашф этиш ходисаси араб ҳарфлари мисолида яққол намоён бўлади. Мазкур аъна, яъни араб ҳарфларини турли-туман ашёларни ифодалаш ёхуд тасвирлаш воситаси сифатида қўллаш форс-тожик адабиётида устоз Рудакий давридан бошлаб кузатилади. Жумладан:

Зулфи туро чим кй кард? – Он ки ў,
Холи туро нуктаи он чим кард².

(Сенинг зулфингни ким “жим” каби қилди? (Ҳойнаҳой) холингни ўша “жим”нинг нуктаси қилган Зот (бўлса керак).

Шоир “жим” (ج) ҳарфининг шаклу суратини гўзалларнинг зулфига киёслаб, унинг нуктасини хол сифатида тасвирлайди. Шуни инобатга олиб, Рудакий ўз маҳбубасидан унинг зулфини ким бунчалик чиройли суратда яратганлигини ва холини маҳорат билан жойлаштирганлигини сўрайди. Бу орқали шоир бир вақтнинг ўзида ташбеҳ, китобат ва тажохули ориф санъатларини қўллайди.

Бундай рамзий оҳанглар шеърият тилида кейинги даврларда ҳам давом этди. Шоирлар тасвир ва мурожаат объектининг ҳолат ва вазиятларини араб ҳарфларининг зоҳирий кўринишларига киёслаб, ўз мулоҳазаларини гўзал суратда баён этишди. Рудакийдан бошланган мазкур аънанани XV асрга қадар Санойи, Аттот, Низомий, Амир Хусрав, Мавлавий, Саъдий, Ҳофиз, Камол, Жомий ва бошқа сўз усталари қалам сеҳри воситасида юксак даражага кўтарди. Гарчанд Мавлавий Румий ва Камол Хўжандий асарларида бу каби рамзлар ниҳоятда фусункор ва жозибали тарзда қўлланган бўлсада, биз таҳлил учун форс-тожик мумтоз адабиёти тарихининг кўплаб ютуқларини ўзида мужассам этган Абдурахмон Жомий ғазалиётига юзландик. Зеро, у ҳам ўзининг сермавзу ва сермазмун асарлари билан бадий ижод қонуниятлари асосида мазкур аънанани ҳадди аълога етказган шоирлардандир. Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, Жомий ўз асрининг новатор шоирларидан бўлиб, унинг барча кичик ва катта шеърий асарлари ҳамда бадий наср намуналарида оригинал ҳолатлар кузатилади.

Биз Абдурахмон Жомий ғазалиётидан манба сифатида фойдаланиб, жомеъ луғат (конкорданс) асосида арабий ҳарфларнинг рамзий маъноларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Жомий назмида араб алифбосидаги барча ҳарфлар ҳам рамзий маънода истифода этилмаган. Нуктадон шоир рамзларни қўллашда ҳам сўз нозикликлари ва мавқеига эътибор қаратган, яъни сўз таносубини моҳирона инобатга олган. Жумладан, Жомий ғазалиётида алиф ҳарфи (ا) 16 марта, бе (ب) 2 марта, чим (ج) 2 марта, ҳе (ه) 2 марта, дол (د) 11 марта, син (س) 1 марта, шин (ش) 1 марта, сод (ص) 2 марта, айн (ع) 6 марта, қоф (ق) 8 марта, коф (ك) 2 марта, мим (م) 12 марта, лом (ل) 2 марта, нун (ن) 4 марта, лом-алиф (لا) 3 марта истифода этилган. Маълум бўладики, шоир ғазалиётида алиф (ا) ҳарфи кўп ишлатилган бўлиб, унинг маъно жилваларини куйидаги мисол ва ҳолатларда кузатиш мумкин:

Чун алиф ростии қадди ту бинад чй ачаб,

К-аз паи хидмати ту долсифат кўз шавад. [X.143/6]³

Шоир байтда алиф ҳарфини бошқа ҳарф – дол билан шаклан қаршилантириш усулида қўллаган. Яъни араб алифбосидаги мазкур ҳарфлар бир-бирига муқобил бўлиб, алиф тик қома, дол эса эгик қома сифатида кўзга ташланади ва бу маъни шоир назаридан четда қолмаган. Бироқ шоир муболағали тарзда алифнинг тиклигини маъшуқа қома тигига нисбат бериб, уни кўрган ошиқнинг қома тиги висол илинжидаги хизматдан “дол” каби эгик (“кўз” – букри) бўлганлигини қайд этади.

¹ Амонова З.Қ. Ҳуруфийлик ва XIV-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиёти. Фил.фан.ном. автореферати. – Самарқанд, 2012. –С.9.

² Мирзоев А. Абӯ Абдулло Рӯдакӣ.– Сталинобод: Нашр.дав.То икистон, 1958.–С.120.

³ Абдулрахман Джами. Воситат ал-икд и Хотимат ал-хаёт. –М.: Наука, 1980.



Бошқа бир ўринда шоир маъно таносуби воситасида алиф ва долни бир байтда ишлатиб, маъшуканинг қадди ва ўрама зулфи сифатида ифодалайди. Бунда муаллиф икки хил маънони назарда тутди: Биринчидан, “дол” “алиф”нинг тазоди сифатида эгилган қомат-букри, иккинчидан, ўрама зулф:

Ҳар долу алиф, ки нақш бастам,
Зулфу қадат эътиқод кардам. [В.347/4]¹

Шунингдек, шоир ижодида “алиф” турли ҳарфлар билан биргаликда қўлланиб, бошқа тавсифий сифатларни ҳам намоён этади:

Турраи унвони чамоли ту чу чим афтодаст,
Даҳани тангат аз он чашмаи мим афтодаст.
3-он қаду зулф, ки гўй алифу ломи ваянд,
Ломалифвор дили хаста дуним афтодаст. [В.71/2]²

Шоир юқоридаги мисраларда дилрабо маъшукани васф этиб, сочини “жим” (ج) ҳарфига, ингичка оғзини “мим” (م), қадду қоматини “алиф” (ا), эгик зулфини “лом” (ل) ҳамда қомат ва зулфни биргаликда “лом-алиф” (لا)га қиёслаган ҳолда, ўз тасвир объектининг ҳар бир сифатига бир аломат билан ишора этадики, улар мутлақ мутаносибдир. Яъни, агар юқоридаги байтда “алиф ва дол”га қиёсланган “қадду зулф”га назар ташлайдиган бўлсак, унда “алиф” тик қомат маъносини ҳам билдирган, бу ерда зулф шаклан “лом”нинг эгиклигига ўхшатилади. Шунингдек, қомат ва зулфнинг пайвасталигини “лом-алиф” сифатида қайд этади. Алифнинг сокин (“суқун”) аломати билан келиши:

3-он сон ки бувад суқун алифро,
Дар дил қадди ту суқун гирифтаст. [Ф.184/5]³

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, юқоридаги байтида Жомийнинг сўзшунослиги ва санъаткорлиги намоён бўлган. Авваламбор, шоир алифбо қоида ва қонунлари асосида суқун аломатининг ишлатилиши ҳақида сўз юритиб, сўнгра ундан поэтик мазмун чиқарган. Яъни араб алифбоси қоидаларига мувофиқ сўзда алиф ҳарфи (ёки исталган бошқа унли) суқун аломати билан келганда, сокин орадан чиқади. Шоир айтмоқчики, сўзда суқун аломати ўрнини алиф эгалласа, менинг қалбимда сенинг дилрабо қоматинг суқун олгандир. Жомий бу ерда ўзининг юксак санъаткорлиги билан, бир томондан арабийасос ҳарфларнинг ишлатилиш қоидаларини баён этса, иккинчи томондан, мазкур ҳодисадан нозик маъно чиқаради, яъни кўнгил сенинг қоматинг билан ҳамнишин бўлгач, изтиробга тушди ҳамда сенинг алифдек қоматингга яқинлашиб ором ва сокинликни қўлдан берди, яъни ошиқ бўлди.

Дар вафои ту рост чун алифем,
Ба вафоят, ки рост меғўем. [Ф.702/5]⁴

Мазкур байтда шоир алиф ҳарфининг бошқа бир маъносини, “тўғрилиқ ва вафо” маъноларини кашф этади. Жомий алифнинг тик шаклини садоқат, сидқу вафо, ошиқнинг вафодорлик йўлидаги аҳду паймониға қиёслайди. Қуйидаги бошқа бир мисол ҳам шу мазмунни ёритади:

Агар на ҳамчу алиф ростам, чӣ тадбир аст,
Ба лавҳи ҳастӣ аз ин сон нигошт устодам. [В.359/6]⁵

Яна бир байт:

Истода ба сар аз оҳи дамодам дудам,
Ман ҳамоно шуда аз оҳ алифи мамдудам. [В.319/1]¹

¹ Абдуррахман Джами. Воситат ал-икд и Хотимат ал-хаёт. –М.: Наука, 1980.

² Ўша асар.

³ Абдуррахман Джами. Фотиҳат-аш-шабоб. –М.: Наука, 1978.

⁴ Ўша асар.

⁵ Абдуррахман Джами. Воситат ал-икд и Хотимат ал-хаёт. –М.: Наука, 1980.

“Алифи мамдуд” жумласи араб ёзувида “о” тарзда ўқиладиган “маддали алиф” (۱) маъносини ифодалайди. Бироқ тожик тилида мамдуд (маддали) атамаси чўзик, чўзилган маъносини билдиради. Агар бу ерда алифнинг шаклига боғлаб маъно чиқарадиган бўлсак, “алифи мамдуд” дардманд, ғамзада шахс. Бироқ Жомий “алифи мамдуд” иборасидан ниҳоятда нозик маъно чиқаради. “Оҳ” сўзининг бошидаги ўзлигидан жудо бўлган ҳамда “о” товушига айланган “алиф”ни ўзлигидан кечиб тавбага юз тутган, ишқ дардига гирифтор бўлган инсонга қиёслайди.

Хурда чун “шин” дар сари шохид куну шамъу шароб,

То шавъ болонишин бар аҳли ишрат чун “алиф”. [X.204/3]²

Ушбу байтда шоирнинг таъкидлашича, “шин” (ش) ҳарфи “шохид, шамъ, шароб” сўзларининг бошида келса-да, “алиф” алифбонинг бошидир. Жомий “алиф”нинг алифбодаги ўрни ва мақомини назарда тутиб, унга янгича рангу тароват бахш этган. Яъни одамлар орасида юксак мақом ва мартабага эга бўлган кишини алифбонинг боши “алиф”га қиёслайди ва бу билан унга “юксак мартабали” маъносини ҳам юклайди. Яна бир байт:

Обрӯи дигар овард чаманро, ки навишт,

Бар мутававал “алиф”-е “мим”-и мудаввар наргис. [X.185/4]³

Бу ерда шоир бир қарашда “алиф”дан бошқа ҳарфларнинг, хусусан, “мим”нинг туғилишини назарда тутди. Аммо шоирнинг ушбу лавҳадан кўзлаган бадий мақсади, “наргис” новдасининг “алиф”дек тик бўлиши, сўнгра “мим”дек айлана куртак ёйиб, чаманга ранг-баранглик ва жозоба бахш этишидир. Яна бир байт:

Теғаш кашида сад алифу захми тири ту,

Ҳар чо чу ду раҳе ба дарун кардааст роҳ. [X.267/3]

Зад килки мусаввир паи тасвири хати ту

Мушкин алифе чанд рақам бар варақи сим. [X.223/6]⁴

Биринчи байтда шоир “алиф” орқали ўқнинг тўғрилигига ишора этса, иккинчи байтда алифнинг тўғрилигини маҳбуб юзидаги хат ва қошни чизишда ишлатилган мўйқаламга ташбеҳ этади. Бошқа бир байт:

Дар мактаби ишқи ту хирад бо ҳама дониш,

Чун тифли навомӯз надонад алиф аз бо. [Ф.910/2]⁵

Бу ерда “алиф” ва “бе” араб алифбосининг илк ҳарфлари сифатида қўлланган, бироқ шоир бу таркибни қўллаш орқали “ишқ” кашфида ақл ва хираднинг ожизлигини таъкидлайди ҳамда соҳиби илм бўлган шахснинг “ишқ мактаби”даги билимдонлигини “алиф” билан “бе”ни фарқлай олмайдиган янги ўқувчи гўдакка қиёслайди. Яна бир байт:

Олоф кардаанд алифи ваҳдати туро

Оҳоди мумкинот, ки сифранд як ба як. [В.293/3]⁶

Боқӣ намонд чуз алифи ваҳдати ту ҳеч.

Аз лавҳи эътибор чу гаштанд чумла ҳақ. [В.293/4]⁷

Минглаб талабгорлар сенинг ягоналигинг йўлига қадам қўйди, бироқ сабрлилар, сирни англаб етганлар сони яккадир. Ваҳдат сирини кашф этиш йўлида уларнинг хотирида сенинг ваҳдониятинг илмидан бошқа ҳамма нарса ҳақ, яъни нақш (сурат)дир. Байтда шоир “алифи ваҳдат” орқали дину ирфон илми, идрок ва ҳақиқатни кашф этишга ишора этади. Бошқа бир мисол ҳам шу маънони ойдинлаштиради:

¹ Абдуррахман Джами. Воситат ал-икд и Хотимат ал-ҳаёт. –М.: Наука, 1980.

² Ўша асар.

³ Ўша асар.

⁴ Ўша асар.

⁵ Абдуррахман Джами. Фотиҳат-аш-шабоб. –М.: Наука, 1978.


⁶ Абдуррахман Джами. Воситат ал-икд и Хотимат ал-ҳаёт. –М.: Наука, 1980.

⁷ Ўша асар.

Пай ба тавҳид барад аз алифи қомати ту,

Ҳар кӣ идроки ҳақиқат кунад аз ҳарфи мачоз. [Ф.452/6]¹

Айтиш жоизки, гарчанд “алиф” ҳарфи Жомий ғазалиётида 16 марта қўлланган бўлса-да, у шу биргина товуш воситасида қўплаб маъноларни ҳосил қилиб, ўзининг соҳир қаламини намоён этган. Жумладан:




Жомий ўз шеърларида араб алифбосидаги бошқа ҳарфлардан ҳам поэтик образ ва маъно яратган бўлиб, уларнинг айримларини юқорида алиф билан биргаликда келганини кўрдик. Бироқ шоир ғазалиёти асосида бу борадаги бошқа қўплаб нозик маъноларни ҳам илғаб олишимиз мумкин. Жумладан, мим (م) ҳарфи алифдан кейинги ўринда 12 марта ишлатилган бўлиб, оғиз, бел ва кўнгил торлиги каби маъноларни ифода этган. Жумладан:

Бар лавҳи хусн аз навхатон бурдӣ дар ин маънӣ сабак,

К-аз лаъл миме кардаӣ в-аз мушк доле бастай. [Х.281/5]²

Дол (د) ҳарфи Жомий ғазалиётида 11 марта ишлатилган. Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, у эгилган қомат ва ўрама зулф маъноларида қўлланган. Шунингдек, дол ҳарфи баробарида шоир баъзан лом (ل) ва им (ع) ҳарфларини ҳам маъшуканинг зулфи ва сочи маъносида қўллаган [В.71/2]³.



Қоф ҳарфи ҳам шоир ижодида кенг қўлланилган бўлиб (8 марта), дунёнинг чегараси, афсонавий юксак тоғ, Қуръондаги сураининг номи (“Сураи Қоф”) сифатида зикр этилади:

Муҳити даври уфуқ гарчи қоф то қоф аст,

Бувад чун доираи мим бар дили мо танг. [Ф.546/5]

Бу ўринда ҳарф санъати аломатларини кузатишимиз мумкин. Шоир уфқлар айланаси кенглигини “қоф”га қиёс этса, ўз кўнгли торлигини “мим”нинг айланасига ўхшатади.

Шу тариқа бошқа ҳарфларни қўллашда ҳам шоир янгилик оригиналликка интилиб, кўзни сод (ص) ва ҳе (ه) ҳарфига ўхшатса, маъшуқа занаҳдонига ишора этиш учун син (س) ҳарфини истифода этади:

Гарам расад зи занаҳдони ту ҳазор осеб,

Зихӣ, муҳол, ки дандон кунам чу син з-он себ. [В.49/1]

¹ Абдулрахман Джами. Фотиҳат-аш-шабоб. –М.: Наука, 1978.

² Абдулрахман Джами. Воситат ал-икд и Хотимат ал-ҳаёт. –М.: Наука, 1980.

³ Ўша асар.



Юқоридаги мулоҳаза ва изланишлар шундан гувоҳлик берадики, араб ёзуви асосидаги баъзи ҳарфлар графема сифатида қўлланилишидан ташқари, шакл ва қўриниши ҳамда нутқдаги мавқеига кўра бошқа маъноларни ифодалашда ҳам хизмат қилади. Бу бир томондан, мазкур мукаддас ёзув ҳарфларининг ўзига хос шаклга эга эканлигини кўрсатса, бошқа томондан, ҳассос шоирлар поэтик мазмун ва фикрларини ифодалашда имкон қадар улардан кўпроқ фойдаланишга, бадиий образ яратиб китобхонларга хосса маънилар тақдим этишга интиланлигини кўрсатади.

Абдурахмон Жомий ғазалиёти мисолида бадиий сўзнинг бундай нозикликларини тадқиқ этиш натижасида шу нарса аён бўладики, шоир юксак истеъдод соҳиби сифатида устозлари Мавлавий Румий ва Камол Хўжандий сингари сўзнинг янги “либос”и, янги чиройини намоиш этди. Бинобарин, ўз таъбири билан айтганда “Жомий шоир эмас, сеҳргардир”:

Он парирухро ба афсуни сухан тасхир кард,
З-он сабаб гўянд шоир нест Чомӣ, сохир аст.



МУМТОЗ ФОРС АДАБИЁТИДА ҲИКОЯТ ЖАНРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

ҲАМИДОВ ХУСРАВ

ТошДШИ тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада мумтоз форс адабиётида ҳикоят жанрининг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёти ҳақида баҳс юритилади. Ҳикоятнинг жанрий қўлланилиши ҳамда насрий ва назмий асарларда унинг мақоми ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар: ҳикоят, табақалаштириш, ирфоний дostonчилик, новелла, “Ҳазор афсона”.

Аннотация. В данной статье рассматривается зарождение и процесс эволюции жанра рассказа в персидской литературе. Уделяется особенное внимание роли данного жанра и его употреблению в поэзии и прозе.

Опорные слова и выражения: рассказ, классификация, мистический эпос, новелла, «Хазор афсона».

Abstract. In this article the origin of the story genre and its development has been observed. The usage of the story in genre as well as its poetic and prose style in novels have been discussed.

Keywords and expressions: story, classification, mystic novelty, novella, “Hazor (thousand) legends”.

Мумтоз форс-тожик тилидаги адабий асарларда турли мазмундаги ҳикоятларга дуч келиш мумкинки, назарда тутилган гоёни тушунишга ёрдам беради. Кўпгина ҳикоятлар оғзаки адабиётдан ёзма адабиётга ўтгани ҳамда турли давр ва аҳолининг турли қатлами ундан фойдалагани учун вариантлилиги ошиб борган. Бугунги кунгача сайқалланиб келган мумтоз адабиётдаги ҳикоятлар асосида айтиш мумкинки, ҳар бир қисса, ривоят ва ҳикоятнинг даврлар оша ривожланиши одамларнинг дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ экан. Шунинг учун ҳикоят жанрининг тарихий

тараққиётини ўрганиб, тадқиқ этиш шарқшунослик йўналишининг асосий вазифаридандир.

(Арабча) «ҳаки» сўзидан олинган ҳикоят (тушунчаси) бирор киши каби бирор ишни бажариш ёки бирор киши каби сўзлаш маъносида келади¹. Адабиёт назарияси бўйича, «ҳикоят ихчам сюжетли қисса ижодий ривоят бўлиб, бир нечта шахснинг қисса муддат даво-

¹ Ҳабибуллоҳ Аббосий. Ҳикоятҳои ирфонӣ ва нақшӣ онҳо дар гуфтомони мансури сӯфиёна. //Пажӯҳишномаи улуми инсонӣ, шумораи 58, Тобистони 1387, С. 124.